
ЯНГИБЎСТОН ТОМОНЛАРДА

Атоқли давлат арбоби Шароф Рашидов ташаббуси билан барпо этилган Янгибўстон маҳалласи мўъжазгина. Маҳалладаги 124 та хонадонда 767 нафар аҳоли яшайди.

Ҳафтанинг бошида вилоят ҳокими Шухратжон Ғаниев бошлиқ фаоллар келиши аҳоли вакиллари кайфиятини кўтариб юборди. Ҳаёт бор экан, муаммо бўлади. Муаммоларга ечим топилади.

33-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Сайфиддин Райимбоев болаликдан ногирон. Уй мактабида таолим олувчи бу ўқувчига вилоят ҳокими ноутбук совға қилди.

Маҳалладаги мактаб таомирланадиган бўлди. Эндиликда Янгибўстонни ўз бозорчаси бўлади. Бу масала ҳам шу куни ҳал этилди. Янгибўстонликлар деҳқончиликка астойдил. 124 та хонадонга томорқа учун қўшимча 10 сотихдан ер ажратиладиган бўлди.

Вилоят ишчи гуруҳи хонадонларда бўлишди. Ўрганишди. Уларни эшитишди.

Шу куни Янгибўстонда ўзгача кайфият ҳукм сурди. Ёзёвоннинг чекка ҳудуди бўлган бу масканга эътибордан аҳолининг миннатдорчилигини сезиш мумкин эди.

Азимжон ХУДОЙҚУЛОВ.

Улуғбек УМАРОВ,

Муқумжон ҚОДИРОВ

олган суратлар.

2019-11-08 15:35:49